



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 3/2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 9, НОМЕР 3/2

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 9, ISSUE 3/2



ТОШКЕНТ-2026

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат техника университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодири Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ермегов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Андижон давлат университети

**Рашидов Ойбек Расулович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Таниева Гулдона Мамановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайдон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Наманган давлат университети

**Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
*Масъул котиб*

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Баҳадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Юсупов Аҳмеджон Шоназарович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Urganch davlat universiteti

**Тиллажаева Хуршида Джумаваевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Тошкент давлат техника университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
*Масъул котиб*

**Исоқов Бахтиёр Робидинович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети

**Турсунова Юлдуз Бобоқуловна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Азаматова Гулмира Байирбековна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Jizzax davlat pedagogika universiteti

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Камола Саипова</b> ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПОТряСЕНИЯ 1917 ГОДА И ИЗМЕНЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО СОСТАВА НАСЕЛЕНИЯ ТУРКЕСТАНА.....	5
<b>2. Аваз Ерметов</b> ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ФАОЛИЯТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАР (XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	15
<b>3. Raximjon Xasanov</b> YOSHLAR MA'NAVİYATI VA MILLIY TARBIYA.....	22
<b>4. Alibek Bengmatov</b> XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA JANUBIY O'ZBEKISTONDA SPORT KADRLARINI TAYYORLASH: SIYOSIY, IJTIMOiy VA INSTITUTSIONAL OMILLAR TAHLILI.....	27
<b>5. Ahmad Ergashev</b> YANGI O'ZBEKISTON STRATEGIYASI: FUTBOL INFRATUZILMASINI MODERNIZATSIYALASHDA HUQUQIY ISLOHOTLARNING O'RNI.....	36
<b>6. Baxtiyor Nazirov</b> SURXON VOHASIDA XALQ MILLIY O'YINLARI GENEZISI VA TARIXIY-ETNOLOGIK TAVSIFI.....	45
<b>7. Axmedjon Yusupov, Mohira Abdullayeva</b> O'RTA OSIYO KO'CHMANCHI XALQLARI HARBIY BOSHQARUVIDA QUROL YAROG'LARNING O'RNI (ILK SAK-MASSAGETLAR MISOLIDA).....	54
<b>8. Абдухолик Мингнарoв</b> XX АСР БОШЛАРИДАТУРКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ЖАДИДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ.....	60
<b>9. Людмила Соколова</b> ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВОДСТВА ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ВЫШИВКИ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ УЗБЕКИСТАНА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ.....	67
<b>10. Baxtiyor Xalmuratov</b> O'ZBEK XALQINING ORNITOLOGIK QARASHLARI: TARIXIY VA ZAMONAVIY TAHLIL.....	72
<b>11. Jamshid Peremkulov</b> XIX-ASR IKKINCHI YARMIDA TOSHKENT SHAHRI MAHALLALARI TARIXI.....	78
<b>12 Anvarjon Erqo'ziyev</b> XIV – XIX ASRLARDA O'RTA OSIYONING XALQARO SAVDODAGI ISHTIROKI.....	86



Абдухолик Тошмирзаевич Мингноров,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий  
педагогика университети “Тарих” кафедраси  
тарих фанлари доктори  
E-mail: abduxoliqmingnorov62@gmail.com

## XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ЖАДИДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ

**For citation:** Abdukhalik T. Mingnarov. COVERAGE OF POLITICAL PROCESSES IN TURKESTAN AND THE ACTIVITIES OF THE JADIDS IN THE NATIONAL PRESS AT THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 3.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19845514>

### АННОТАЦИЯ

XX аср бошларида миллий зиёлилар, жадидлар томонидан маърифатпар варлик, сўнгра эса сиёсий фаолиятларини олиб бориб, юртни босқинчи большевиклардан озод қилиш мақсадида дастлаб миллий сиёсий ташкилотлар тузиб, сўнгра, газета ва журналлар чиқариб халқ орасида тарғибот, ташвиқот ишларини олиб борган эдилар. Ушбу маълумотларни манбалардан бири ҳисобланган ўша даврдаги миллий газета ва журналлар саҳифаларидан олиш мумкин. Ушбу мақолада мусулмонларнинг озодлиги йўлида жадидларнинг маърифатпаорварлик ҳаракатлари ва уларнинг аянчли қисматларини, большевикларнинг эса олиб борган босқинчилик сиёсатлари манбалар орқали очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Жадид, Иттифок, Турк Адам Марказият фирқаси, қурултой, эски шаҳар, янги шаҳар, мухторият, Хуррият, Қўқон мухторияти, Ўтган кунлар, “Аланга”, “Тараққий”, “Таржимон”, катагон, дашноқлар.

Мингноров Абдухалик Ташмирзаевич,  
Национальный педагогический университет  
Узбекистана имени Низами. кафедры “История  
доктор исторических наук  
E-mail: abduxoliqmingnorov62@gmail.com

## ОСВЕЩЕНИЕ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ТУРКЕСТАНЕ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЖАДИДОВ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРЕССЕ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

### АННОТАЦИЯ

В начале XX века национальная интеллигенция — джадиды — сначала вела просветительскую, а затем и политическую деятельность. С целью освобождения края от большевиков-захватчиков они сначала создавали национальные политические организации, а затем издавали газеты и журналы, проводя среди населения пропагандистско-агитационную работу. Эти сведения можно получить на страницах национальных газет и журналов того

времени, которые являются одними из источников по теме. В статье на основе источников раскрываются просветительские движения джадидов на пути к свободе мусульман и их трагическая судьба, а также проводимая большевиками захватническая политика.

**Ключевые слова:** джадид, Иттифок, Турк адам марказият фирқаси, курултай, старый город, новый город, автономия, Хуррият, Кокандская автономия, «Утган кунлар», «Аланга», «Тараққий», «Таржимон», репрессии, дашнаки.

**Abdulkhalik T. Mingnarov,**  
NPUU named after Nizami, Associate  
Professor of the Department “History”,  
Doktor of historical sciences  
E-mail: abduxoliquingnorov62@gmail.com

## COVERAGE OF POLITICAL PROCESSES IN TURKESTAN AND THE ACTIVITIES OF THE JADIDS IN THE NATIONAL PRESS AT THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

### ABSTRACT

In the early twentieth century, the national intelligentsia—the Jadids—first pursued educational reforms and later engaged in political activity. With the aim of liberating the region from the Bolshevik occupiers, they initially established national political organizations and then published newspapers and journals, carrying out propaganda and outreach work among the population. This information can be found in the pages of the national newspapers and journals of that period, which constitute one of the key sources on the topic. Drawing on these sources, the article examines the Jadids’ educational movement in the struggle for Muslim freedom and their tragic fate, as well as the Bolsheviks’ policy of occupation.

**Index Terms:** Jadid, Ittifoq, Turk Adam Markaziyat Firqasi, Qurultoy, old city, new city, autonomy, Hurriyat, Kokand Autonomy, O’tgan kunlar, “Alanga”, “Taraqqiy”, “Tarjimon”, repression, Dashnaks.

### Долзарблиги:

Ўзбекистонда тарихий хотира, миллий ўзликни англаш ва миллий идентликни шакллантиришда жадидлар мероси асосий ўрин тутди. Жадидлар фаолияти миллий матбуотда сиёсий зулм ва ислохотларни танқид қилиш орқали миллий уйғонишни кучайтирди. XX аср бошидаги сиёсий жараёнлар – 1905–1907 йиллар инқилоби, Бухоро ва Хивадаги тараққипарвар ҳаракатлар – матбуотда фаол ёритилди ва бу жадидларнинг давлатчилик ғояларини шакллантиришга ёрдам берди. Бу тадқиқот замонавий Ўзбекистондаги ислохотлар ва демократия жараёнлари билан боғлиқ тарихий сабабларни очиқ беради. Тадқиқот натижалари тарихий фанларида миллий матбуотнинг ролини ўргатишда фойдаланилади ва жадидларнинг сиёсий ғояларининг ҳозирги конституциявий ислохотлар билан боғлиқлигини кўрсатади. Унинг орқали Туркистондаги сиёсий жараёнларнинг матбуот орқали оммалаштирилиши таҳлил қилиниб, замонавий медиа ва жамиятчиликни ривожлантиришга тажриба бўлади. Шунингдек, бу долзарблик фақат илмий ишлар учун эмас, балки миллий юксалиш давридаги тарихий сабоқларни амалга ошириш учун ҳам муҳимдир.

### 2.Методлар:

XX аср бошларидаги Туркистондаги сиёсий жараёнлар ва жадидлар фаолиятининг миллий матбуотда ёритилиши мавзуси тарихий ва филологик фанлар кесимида кенг ўрганилган. Бу соҳада асосий тадқиқотлар XX аср охиридан бошлаб кучайган бўлиб, мустақиллик даврида миллий идентлик ва маърифият мероси контекстида янгилашган. Ҳозирги кунда бу мавзунини ўрганиш тарихий манбаларни қайта талқин қилиш ва замонавий методларни қўллаш орқали давом этмоқда. Мавзу 1990-йиллардан кейин А.Қосимов,

Д.Алимовалар каби олимлар томонидан тизимли тадқиқ қилинган. Тадқиқотларда контент-таҳлил усули миллий газеталар матнларини сиёсий ва ижтимоий дискурс бўйича ўрганиш учун қўлланилади. Замонавий ёндашувларда дискурс-таҳлил ва цифрлаштирилган гуманитар методлар матбуотнинг сиёсий жараёнларни оммалаштириш механизмларини очиб беради.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Биз ўтган асрнинг бошларида рўй берган воқеаларни ўрганишимиз учун биринчи навбатда манбаларни ўрганишдан бошлашимиз керак. Ўша давр воқеаларини тўлақонли, холисона ўрганишга хизмат қиладиган манбалардан бири, бу – миллий матбуот саҳифаларидаги маълумотлар ҳисобланади.

Хусусан “Озод Бухоро”, “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон”, газеталарида турли сиёсий жараёнларга оид маълумотлар берилган бўлса, даврий матбуотдаги муаллифчилик таркибини “Озод Бухоро”, “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон”, “Зарафшон” “Ўқитувчилар газета”ларидан олиш мумкин. Диний масалалар ва динга қарши бўлган манбалар асосан, “Худосизлар”, “Коммунист” ва “Маданий инқилоб” журналларида, шунингдек, “Қизил Ўзбекистон”, “Большевик матбуоти”, “Бухоро ҳақиқати” газеталарида маълумотлар бериб борилган. Совет ҳокимиятининг сиёсатига қарши ҳаракат масалалари эса “Озод Бухоро”, “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон”, газеталари ва “Ер юзи” ва “Ёш Туркистон” журналларида кўпроқ учрайди. Совет ҳокимиятининг қатағончилик сиёсатига оид маълумотлар эса “Китоб ва инқилоб”, “Маданий инқилоб”, “Коммунист”, “Янги йўл”, “Ёш Туркистон” ва “Қизил Ўзбекистон”, газета ва журналларда кенг ёритиб борилган. Ўзбекистонда ўтказилган “ер-сув” ислоҳати, умуман, кишлок хўжалик масалалари “Озод Бухоро”, “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ёш Туркистон”, “Инқилоб”, “Худосизлар”, “Гулистон”, “Ўқитувчилар газетаси”, “Коммунист” каби газета ва журналларда ёритиб борилган. Ўзбекистонда ўтказилган индустриалаштириш сиёсати ва савдо-сотик масалаларига тегишли маълумотларни эса “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ёш Туркистон”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Ер юзи”, “Худосизлар”, “Маданий инқилоб”, “Гулистон” ва “Озод Бухоро” каби газета ва журналлар орқали ёритиб борилганлигини кўриш мумкин.

Мустамлакачилар турли усуллар билан миллий халқларни жаҳолатда, қашшоқликда ушлаб туриш учун ўта шавқатсизларча сиёсат юритган эдилар.

Империя маъмурияти ва большевикларнинг бундай сиёсати маҳаллий аҳолининг миллий озодлик ҳаракатини юзага келтиради. Масалан, 1905–1911 йил ларда Эрондаги, 1905–1908 йилларда Ҳиндистондаги ва 1908 йилда Туркия даги инқилобий ҳаракатлар Туркистонда жадидларнинг сиёсий активлигини ошириб юборди.

Агар тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, XIX аср охири ва XX аср бошларида деярли барча мусулмонлар мустамлака асоратига тушиб қолган эдилар. Жадидлар бунинг асосий сабаби илмдан узоклашганликда деб билиб, аҳолининг илмий ва маънавий салоҳиятини ошириш учун фаолият олиб борадилар. Бунинг учун биринчи навбатда миллий газета ва журналлар нашр эттира бошлаган бўлса, иккинчидан, барча худудлардаги мусулмонлар ўзаро алоқаларини мустақамлай бошлаган бўлса, учинчидан, ёшларни хорижий мамлакатларга ўқишга юбора бошлайдилар.

Жадидлар “Таржимон” (Бокчасарой), “Вақт”, “Юлдуз” (Қозон), “Мулла Насриддин” (Тифлис), “Сиротил мустақил” (Туркия), “Сирож ул аҳбор” (Афғонистон), “Ҳабул ватан” (Ҳиндистон) каби матбуот органлари билан танишиб борган бўлсалар, Тошкентда 1906-1907 йилларда “Тараққий”, “Хуршид”, “Тужжор”, “Шухрат”, “Осиё” газета ва журналларни, 1917 йилда эса “Нажот”, “Кенгаш”, “Турон”, “Хуррият”, “Турк эли”, “Турк сўзи”, “Эл байроғи”, “Юрт” ва бошқа газета ва журналлар нашр этириб, тарғибот, ташвиқот ишларини олиб борган эдилар. Шунингдек, жадидлар юртни бос қинчилардан озод қилиш учун Туркистонда миллий сиёсий жамиятлар (таш килотлар) ни тузадилар.

1917 йил 14 март куни Тошкент “Шўрои Исломия” жамияти тузилади. Тез орада Туркистоннинг турли шаҳарларида “Шўрои Исломия” жамиятининг шўъбалари ташкил қилинди. Масалан, Фарғона шаҳрида “Шўрои Исломия” шўъбаси[1], Самарқанд шаҳрида “Клуби Исломия”[2], Андижон шаҳрида “Шўрои Исломия” шўъбаси[3], Наманганда “Шўрои

Исломия”[4] жамиятлари тузилганлигини айтиб ўтиш мумкин. “Турон жамиятининг фаолиятини янада жадаллаштиришда Бокудаги “Мусоват” партияси тарафидан Туркистонга келган вакиллари катта ҳисса қўшадилар[5].

“1917 йил 14 июлдаги “Турон” жамиятининг навбатдаги умумий мажлисини Низомиддин афанди очади, бунда у “Турон” жамиятини ислоҳ қилишни так лиф қилади. Жамиятга раис этиб бир овоздан Муҳаммад Амин Афандизода, унга муовин этиб Низомиддин афанди сайландилар[6].

1917 йили Туркистонда “Турк Адами Марказияти” фирқасининг тузилиши ҳам бевосита Кавказдан келган ҳайъат аъзоларининг фаолияти билан боғлиқ эди[7].

Сиёсий жараёнлар жуда тез ривожлана бошлади. Айниқса, миллий зиёлилар томонидан Тошкент, Андижон, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида тузилган жуда кўплаб миллий сиёсий жамият ва тўғарақларни бирлаштириш, яъни иложи борича ягона Марказий бошқарув органини яратишга ҳаракат бошланди. Бу вақтда “Турк Адами Марказият” фирқасининг мавқеи ошади.

Шунинг учун Андижон шаҳрида 1917 йил 23 август куни “Ҳаваскорон маориф” жамиятининг идорасида тараққийпарвар “Турон” жамияти, “Талабалар жамияти” ва “Ҳаваскорон маориф” жамиятларининг қўшма мажлисида бу уч жамият “Турк Адами Марказияти фирқаси”нинг дастурини қабул этдилар. Ушбу жамиятнинг муваққат раислигига Ҳусан Эшонзода, сарқотиб ликка Соҳиб афанди, хазинадорликка Исроил Юсуфзода сайландилар. Шунингдек, унга 26 кишидан иборат ҳайъат аъзолари сайланди. Юқорида келтириб ўтилган олдинги 3 та жамиятларнинг мулкани “Турк Адами Марказияти” фирқаси”нинг тасаруфига ўтказиш учун комиссия тузилади[8].

1917 йил 4 апрелда Тошкент шаҳридаги Туркистонда фуқаролик мавқеини кўтариш мақсадида “Иттифок” жамияти тузилади[9]. 1917 йил 25 апрелдан мазкур жамият ўзининг “Улуғ Туркистон” газетасини чоп қила бошлади ва маҳаллий аҳолининг миллий истиқлолга эришиш ҳаракатида фаол иштирок эта бошлайдилар. Шунингдек, 1917 йил Туркистон ўлкасининг Тошкент, Кўкон, Самарқанд, Андижон, шаҳарларида “Мусулмон ишчилар жамияти”, “Талабалар жамияти”, “Муаллимлар жамияти” каби миллий жамиятлар тузилдики, бу тугарақлар аҳолини уюштириш ва ҳамжиҳат бўлиши учун катта амалий фаолият кўрсатдилар. “Нажот” газетасининг: “1917 йил 26 май куни чиққан сонидан 15 май куни мусулмонларнинг “Ихтиёт” иттифоқи тузилиб, унинг мақсади бутун Туркистон мусулмонларини бирлаштириш ва маданий ва миллий ишларда ёрдам бериш[10]”.

Хусусан, “Шўрои Исломия”, “Турон”, “Турк Адами Марказият фирқаси”, “Иттифок” каби 10 тадан ортиқ миллий сиёсий ташкилотлар фаолият олиб бордилар. “1917 йил 20 июнь куни ташкил этилган “Турк Адами Марказият фирқаси” ҳам бевосита Кавказдан келган аъзоларнинг фаолияти билан боғлиқ эди[11]. Барча масалаларда мусулмонлар ҳамкорликда ҳаракат қилдилар. 1917 йил 26–30 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг IV қурултой Туркистон мухториятини эълон қилди. Ушбу миллий ҳукуматни фақат босқинчи большевиклардан ташқари барча мусулмонлар хурсандчилик билан кутиб олдилар. Миллий ҳукуматга қарата жаҳидлардан бири Абдурауф Фитрат: “Биз эллик йилдан бери эзилдик. Тилимиз, динимиз, инсоний фазилатларимиз оёқ ости қилинди. Онгимиз захарланди. Лекин биз иймонимизни сақладик. Мана мухторият ҳам эълон қилинди. Аммо мухториятни бир қурултой билан сақлаб бўлмайди. Уни моддий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб туриш керак. Бу албатта ўзаро иттифокқа боғлиқдир”[12], деган фикрни беради. Зиёлилардан Ғулом Зафарий “Мухториятни сақлаш учун бизга қувват лозим, бу қувват аскарликдир”[13], деган бўлса, Мухтор Бакиров эса “Эзгу турк юртини кутқармоқ учун албатта куч керакдир. Бу куч ҳаммага маълум қурол, яъни ҳарбий кучдир”[14], деб Туркистонни босқинчи большевиклардан ҳимоя қилишга чорлайдилар. Бирок, босқинчи большевиклар ўз мақсадларигиша эришиш мақсадида мусулмонларга нисбатан ўта қабих ишларидан қайтмадилар. Шу ўринда большевикларнинг Туркистонда олиб борган босқинчилик сиёсатларини кўрсатиб берадиган манбаларга ҳам тўхталиб ўтамиз. “Улуғ Туркистон” газетаси саҳифаларидаги маълумотнинг гувоҳлик беришича, “Солдат ва

ишчилар бир неча бор қуролланиб эски шаҳарга тушиб озиқ овқат ва ғалла топиш учун тинтув ўтказадилар. Янги шаҳар (руслар яшайдиган қисми – М.А.) да ўзларининг озиқ-овқатлари тугаши билан эски шаҳар (мусулмонлар яшайдиган қисми – М.А.)га ўтади. Мусулмонлар бу ҳолни адолат юзасидан бўлмаётганлигини маълум қиладилар[15]. 1918 йил 13 январь куни бир гуруҳ қазил аскарлар Қўқонга келдилар ва Ўрдани ишғол қиладилар. Иккинчи куни эса ҳамма банкларни ўз тасарруфига ўтказишади. 14 январь куни бир неча миллион сўмни олиб кетадилар. Бу маблағ Туркистон халқининг меҳнати эвазига ҳосил бўлганлигини маълум қилсаларда[16], бироқ банклардан олинган маблағларни Тошкентга келтириб, ундан фойдаланиш ҳуқуқи фақат комиссарлар совети ихтиёрида бўлиши кераклиги айтилган. Шу куни Қўқон банкидан 8 миллион 223 минг сўм 17 тийин пул олинган[17], эди. Босқинчи большевиклар бу билан чекланиб қолмадилар. Хаттоки, мусулмонларнинг бор-будини ҳам талай бошлайдилар. Натижада мусулмонлар оммавий қирилиб кетиш даражасига етади. Туркистон мухторияти ҳукумат раҳбарияти ва жадидлар “Очларга ёрдам” кўмитасини тузиб, халқни ушбу ҳолатдан олиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Ушбу кўмита аъзолари ҳар бир даҳаларнинг марказий қисмида кўплаб қозонларда овқат тайёрлаб оч халққа овқатларни текин тарқата бошладилар.

Туркистон мухториятининг фожеали қисматига оид маълумотлар ўша давр миллий матбуотида кенг ёритилган. Хусусан, “Улуғ Туркистон” газетасининг 1918 йил 26 февраль сонидида “Туркистон мусулмонларнинг фожеаси”, 8, 9, 12, 14, 19 март кунги сонларида “Қўқон фожеалари”, 3 майда “Қўқон мухтория тини авф умумий”, 30 майда эса “Қўқонда бўлган воқеа” номли мақолалар мавжуд. “Хуррият” газетасининг 1918 йил 8 март сонидида “Қўқон фожеаси” номли мақола берилган. Большевиклар маҳаллий шаҳар аҳолисини талаганликлари ва бомбордимон қилишлари оқибатида бир қанча Жоме масжидлар, мадрасалар ва аҳоли турар жойларини хароба ҳолатига келтирганлар[18].

Қўқонлик Юсуф Халилий: “Қўқон кўчалари тамом ёниб бўлди. Маданий муассасалар, оптика, типография, банклар, нотариус контуралари, бозордаги барча дўконлар, жумладан 11 минг ҳовли, 19 та мадраса, 37 та масжид ёниб кўлга айланди. Мусулмон оилалари арманлар қиличи билан ўлдирилмоқда. Хўжанд худудидаги “Қароқчи кўм” станциясидан Олтиарик станциясигача қадар бўлган 117 чиқарим ердаги қишлоқлардаги мусулмонлар дошнок арманлар томонидан ўлдирилиб, уйларига ўт қуйиб юборилмоқда. Мусулмон лардан тортиб олинган ғаллаларни тўғридан тўғри қалъага олиб келтирмоқда. Шаҳар ва қишлоқлардаги мусулмонларнинг пул, ғалла, кўй ва моллари қолмади. Хаттоки, эски қози ва мингбошиларни тутиб келтириб эллик ва юз минглаб пуллари тортиб олмоқдалар. Фарғонада ҳар бир рус солдати ўзи ҳоким, ўзи подшодир. Улар нимани хоҳлашса, шу ишни қиладилар. Бу ғаламисликларни жавобгарликка тортиш у ёқда турсин, хатто суриштириб ҳам ўтирмайдилар”[19] – деб ёзади.

Шунингдек: Бухородаги давлат банки шуббасидан олинган 40 миллион сўм пул билан 175 пуд кумуш ва 37 қадок олтин қаерга қўйилганлигини сўрадилар. Намойишга чиққанлар Таъсис мажлисини чақириб янгидан советларни сайлашга қарор қиладилар[20]. Ушбу манбалар шундан далолат берадики, большевиклар Туркистонда ўзлари хоҳлаганларича сиёсат олиб бориб, бойлик талашиш оқибатида, хаттоки европалар (руслар) нинг ўзлари ўртасида ҳам ўзаро келишмовчиликлар ҳам келиб чиққанлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Туркистон мухториятини большевиклар томонидан қонга ботирганларидан сўнг маҳаллий аҳолига нисбатан қатағончилик сиёсатини олиб бордилар.

1920 – 1930 йиллардаги даврий матбуот таснифида, коммунистларнинг диний масалаларга муносабати, совет ҳукуматининг “босмачилик”ка қарши олиб борган кураши, советларнинг миллий зиёлилар, маҳаллий кадрларни қатағон қилишлари, миллий худудий чегараланиш масалари, Ўзбекистонда бошқарув масаласи, ер-сув ислоҳоти, қишлоқ хўжалик, индустриллаштириш ва савдо-сотик масалаларига оид турли хил маълумотлар кенг ёритилган. Бу эса воқеликни холисона, ҳар томонлама таҳлил этиб, ушбу масалага тўлақонли баҳо бериш имкониятини беради.

1920–1930-йилларда Ўзбекистондаги сиёсий қатағонлар бутун жамиятни қамраб олди. Бу сиёсат нафақат диндорлар, мулкдор бойлар, балки ўртаҳол ва камбағалларга нисбатан, хуллас, барча маҳаллий аҳоли қатламига нисбатан қўлланилган эди. Шундай чиқиб, қатағонлар Ўзбекистонда оммавий тарзда амалга оширилди. Қатағонга учрамаган ҳеч бир соҳа, ҳеч бир ижтимоий қатлам киши қолмаганлигини кўрсатиб берув манбалар мавжуд.

1934 йилдаги “Китоб ва инқилоб” журналида чоп этилган “Юқори поғона” номли мақоласида (40 бет) А.Қодирий, А.Фитрат, Боту, Отажон Ҳошим, Чўлпон, Олтой, Ашурали Зоҳирий, Элбеклар каби жадидларни қоралайди. Мақолада Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек томонидан 1922 йилда нашр қилинган “Ўзбек ёш шоирлари” номли шеърлар тўплами таҳлил қилиниб, ушбу тўплам пролетариат шўро фойдаси учун ҳеч нарса бермайди, дейди. Мақолада “Фитрат Октябрь инқилобини, шўролар ҳокимиятини бир қаттиқ шамол келса йўқ бўлади деб ўйлайди. Бундай ҳаракатни биз Чўлпон, Боту ва бошқаларда ҳам кўрамиз”[21] деб ёзилади.

“Аланга” журналида Боту Чигатой гурунгини оқлаб чиққанлиги қайд этилади. Фитратнинг “Ҳинд ихтилолчилари”, “Абулфайзхон” ва Чўлпоннинг қатор ҳикоя, шеърлари, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” асарларининг барчаси у ёки бу тарзда миллатчилик ғоясини ташвиқ қилиб келган асарлар деб баҳоланади. Чўлпон ва Ашурали Зоҳирий томонидан тузилиб, 1926 йилда “Адабиёт парчалари” номида чиқарилган китобча шўро манфаатига қарши қаратилганлиги жуда аниқ, деган хулоса беради[22].

#### **Хулоса:**

1920-1930 йилларда нашр этилган даврий матубот саҳифаларидаги материаллари таҳлил қилинса, большевикларнинг динга қарши сиёсатини, иқтиқлолчилик ҳаракатини, миллий ҳудудий чегараланиш, Туркистонда ўтказилган ер-сув ислохатлари, коллективлаштириш, индустриллаштириш, савдо-сотик исло ҳатларининг моҳиятлари ҳамда қатағон сиёсатлари тўғрисида жуда кўплаб маълумотларни олиш мумкин. Ушбу манбалар орқали большевикларнинг олиб борган шовинистик сиёсатларини кўрсатиб бериш мумкин. Шу ўринда бир фикрни таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан. Чунки, бу нарса кечаги кунимиздаги хатоларни такрорламаслигимиз учун, келажакда барча мусулмонларнинг истиқболлари учун, ривожланишлари учун, жаҳон мамлакатлари ўртасида ўз ўринларига эга бўлган кучли давлатлар бўлиб қолишлари учун хизмат қилади. Бу нарса албатта ўзаро ҳамкорлик, доимо бир-бирини қўллаб қуватлашлари даркор. Чунки ўтмиш тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак Россия миллатларни, мусулмонларни доимо бир-биридан ажратиб ташлаш сиёсатини олиб борган бўлса, бу нарса ҳозирги кунда ҳам давом этиб келиши билан бир қаторда, хатто Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон каби давлатларга очикдан-очик пўписа қилиш йўлига ўтиб олдилар. Мана шунинг учун ҳам биз айтишда бир-биримизни қўллаб-қуватлашимиз ва ҳимоя қилишимизни даркор. Бу туркий давлатлар иттифоқини янада мустаҳкамлашдир. Фақат шундагина XIX аср охири ва XX аср бошларида аجدодларимиз бошига тушган аянчли қисматларини такрорланишини олдини олган бўламиз.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Шўро Исломининг қарор ва хизматлари // “Нажот”, 1917 йил 21 апрель.
2. Клуб Исломия // “Хуррият”, 1917 йил 18 июль.
3. Андижонда ёшлар томонидан очилган жамият // “Турон”, 1917 йил 10 август.
4. Наманган аҳоли // “Турон”, 1917 йил 25 апрель.
5. Турк Адами Марказият фирқасининг мажлиси // “Турон”, 1917 йил 10 сентябрь.
6. Турон жамияти // “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 30 июль.
7. Турк Адами Марказияти фирқаси // “Турон”. 1917 йил 10 сентябрь.
8. Андижонда жамиятлар бирлашув // “Турон”, 1917 йил 6 сентябрь.
9. Иттифоқ жамияти // “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 25 апрель.
10. “Ихтиёт” союзи // “Нажот”, 1917 йил 26 май.

11. Шўрои Исломиянинг умумий мажлиси // “Кенгаш”.1917 йил 2 август., Турк Адам Марказият фирқаси. “Турон”. 1917 йил 10 сентябрь.
12. Абдурауф Фитрат. Мухторият.// “Хуррият”. 1917 йил 5 декабрь
13. Ғулом Зафарий. Қувватимиз аскардир. // “Ишчилар дунёси”, 1918 йил. 17 январь.
14. Мухтор Бакиров. Туркистон мухториятининг барпо бўлишига куч керак. // “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 24 декабрь.
15. Эски шаҳарда тинтув // “Улуғ Туркистон”, 1918 йил 4 январь.
16. Мухториятли Туркистоннинг миллий мажлиси ва муваққат ҳукумат тарафидан // “Эл байроғи”, 1918 йил 23 январь.
17. Банклардан ақча олув ҳақида // “Улуғ Туркистон”, 1918 йил 21 январь.
18. Қўқондан мактуб // “Улуғ Туркистон”, 1918 йил 6 март.
19. Юсуф Халилий. Хуканднинг ҳолати // “Улуғ Туркистон”, 1918 йил 2 апрель.
20. Большевиклар ҳаракатида бухрон // “Улуғ Туркистон”, 1918 йил 12 март.
21. Мажидий Р. Юқори поғона // “Китоб ва инқилоб”. – 1934. – № 2-3. – Б.9-49.
22. Мажидий Р. Юқори поғона // “Китоб ва инқилоб”. – 1934. – № 2-3. – Б.9-49

# ЎТМИШГА НАЗАР

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

### Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqolalar o'zbek, ingliz va rus tillarida minimal 5 sahifadan iborat bo'lib, Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan holda bo'lishi shart.
2. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
3. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni, e-mail va telefon raqami, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
4. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida 60 so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
5. Keyingi qatordan 7-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
6. Keyingi qatordan asosiy matn boshlanadi va maqola (IMRAD) 4 qismdan iborat bo'ladi: Mavzuning dolzarbligi. Metodlar va o'rganilganlik darajasi. Tadqiqot natijalari. Xulosa.
7. Maqolalar ilmiy ahamiyatga ega bo'lib, ulardagi fakt va fikrlar asoslangan hamda mustaqil ma'no kasb etishi lozim, plagiat holati taqiqlanadi. Muallif foydalanilgan adabiyotlarni aniq ko'rsatishi, olingan iqtiboslarning aniq manbalarini keltirishi lozim.
8. Web of science hamda Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.
9. Iqtiboslar matn ichida [1, 25] beriladi. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim.

### Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 5 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word, 12 кегль, 1 см, со всех сторон 2 см.
2. Начала абзаца – 1,25 см, формировать строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от правой стороны Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, e-mail и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи. Эта информация должна быть предоставлена на узбекском, английском и русском языках.
4. В следующей строке аннотация из 60 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова 7-10.
6. Далее начинается основной текст. новый текст начинается со следующей строки, и статья состоит из (IMRAD) 4 частей: актуальность темы, методы и уровень исследования, результаты исследования, заключение.
7. Статьи должны иметь научное значение, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиата. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должен быть взяты из Web of science, а также системы журналов Scopus.
9. Цитирование приводится в тексте [1, 25] Полный список литературы должен быть указан после основного текста, а алфавитном порядке.

### Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 5 pages, in Times New Roman, 12 pt., 1 inter.
2. The line head should be 1,25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The author's full name should be on the first line from the right; the author's place of work, position, academic degree, and academic rank, email address, and phone number should be on the second line; the article title should be centered in bold, capital letters, on the third line. This information should be provided in Uzbek, English, and Russian.
4. An annotation of 60 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages 7-10.
6. The next line begins with the main text. The main text begins on the next line, and the article consists (IMRAD) of four parts: the relevance of the topic, the methods and level of research, the results, and the conclusion.
7. Articles must be of scientific importance and facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text. Seals and references should be in the main text [1, 25].